













молекулали оксиллар йўқотилади. Жараён ривожланиб борган сари тешикчалар ўлчами катталашиб, паст молекуляр оксиллар билан бир қаторда йирик молекуляр оксиллар ҳам йўқотилади. Протеинуриянинг селективлиги муҳим ташҳис ва олдиндан маълумот берувчи белги ҳисобланади. Функционал буйрак протеинурияси кучли таъсирланишларда, коптокчаларда қон оқимининг секинлашиши ҳамда захарланишларда буйрак фильтри мембранаси ўтказувчанлигининг ошиши билан боғлиқ. Унинг маршли, ҳис-ҳаяжонли, совуқ, интоксикацияга боғлиқ, болаларда кузатилувчи ва ортостатик (фақат тик турган ҳолатда пайдо бўлиш) турлари фарқланади. Буйракдан ташқари протеинурияда оксил пешоб чиқарув ва жинсий йўллардан тушади, бу ўз навбатида яллиғланиш экссудати ҳисобланади. Буйракдан ташқари протеинурия одатда 1 г/л дан ошмайди.

Пешобдаги оксилни аниқлаш учун қўлланиладиган ва кенг тарқалган синамалар иситиш ёки кислота қўшилганда унинг коагуляциясига асосланган. Сульфосалитил кислотаси билан ўтказилувчи синама пешобда оксилни аниқлашда қўлланиладиган энг сезгир синамалардан бири. Ўтказиш техникаси оддийлиги сабабли кенг қўлланилади. 3-5 мл пешобга 6-8 томчи 20 % сульфосалитил кислотаси қўшилади. Мусбат натижада хираланиш кузатилади.

Брандберг-Робертс-Столников усули нисбатан кенг тарқалган ва оксил ҳамда азот кислотасини сақловчи текширилувчи суюқлик чегарасида оқ ҳалқа ҳосил бўлишига асосланган. Уч дақиқадан кейин пайдо бўлган ингичка, лекин аниқ кўринувчи ҳалқа текшириляётган пешобда 0,033 г/л оксил борлигидан далолат беради. Ундан кейинги миқдорий аниқлашда 1-2 мл 50 % азот кислотасига эҳтиёткорлик билан пешоб қатламланади. Икки дақиқадан олдин оксилли ҳалқа пайдо бўлишида қатламлангандан кейинги вақт белгиланади ва сув пешоб билан аралаштирилади. Шундай эритиб аралаштириш лозимки, бунда қатламланишда ҳалқа 2 ва 3- дақиқалар орасида ҳосил бўлиши лозим. Пешобдаги оксил миқдори 0,033 г/л ни эритиб аралаштириш даражасига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Сўнгги вақтларда пешобда оксил миқдорини турбидиметрия асосида аниқлашдан фойдаланилмоқда. Бунинг учун сульфосалитил кислотаси билан амалга оширилувчи реакциядан фойдаланилади. Хираланиш даражаси оксил концентрациясига пропорционал бўлиб, бу синама натижаларига кўра аввалдан тузилган эгриликка асосланган ҳолда оксил миқдори ҳисоблаб чиқилади.

Шунингдек, сўнгги йилларда индикатор қоғозчалар (чизикчалар) ёрдамида тезкор ташҳислаш усуллари кенг қўлланилмоқда. Улар асосида айрим кислота - ишқор индикаторларининг протеинли хатоси деб номланувчи феномен ётади. Қоғозчанинг индикатор қисми тетрабромфенол кўки ёки нитратли буфер билан сингдирилган. Унинг намланишида буфер эрийди ва индикатор реакцияси учун мос бўлган Ph таъминланади. Маълумки, Ph 3,0-3,5 бўлганда оксил аминогурuhlари индикатор билан таъсирланиб, унинг бирламчи сариқ рангини яшилсимон кўк тусга ўзгартиради. Сўнгги рангли шкалага солиштириб, текшириляётган

